

Жаннат энг буюк мукофотдир



11:00 / 19.05.2023 2109

Ухуд кунда Қатода ибн Нуъмон розияллоху анху битта кўзини қўлида кўтариб Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ундан сўрадилар:

- Бу нима эй Қатода?

Қатода деди:

- Кўраётганингиз эй Аллоҳнинг Расули!

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам:

- Агар истасанг сабр қил, жаннат сеники бўлади. Агар истамасанг кўзингни жойига қайтариб Аллоҳга дуо қиламан, олдингидек бўлади!

Қатода деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, жаннат энг буюк мукофотдир. Аммо мен аёлларни яхши кўраман. Мени «ғилай» деб истамай қўйишларидан қўрқаман. Кўзимни жойига қайтариб менга жаннатни ҳам сўраб беринг!

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Шундай қиламан эй Қатода!

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Қатоданинг қўлидан кўзини олиб жойига қўйдилар!

Бундан шу фикр чиқадики, мўъмин балога эмас, унга қилган сабрига мукофот олади!

Кишининг фақирликни, йўқсилликни, беморликни ёмон кўриши унинг фитратида бор. Савоб умидида бу нарсаларни Аллоҳдан сўрайдиганлар топилмайди.

Биз доимо Аллоҳдан офият сўраймиз. Аммо бошимизга бало тушса сабр қиламиз, савоб умид қиламиз, одоб доирасида турамыз!

Биз энди Аллоҳнинг қазо ва қадари олдидамыз!

Абдулқодир Полвонов

???? ????? (???? ??????) ?????????? ?????????????? ??? ?????? ??????
???????????? 2023 ??? 14 ????????? 03-07/1733-????????? ?????????? ??????????
?????????????